



# СУВ ТОШҚИНЛАРИ ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНИНГ АТРОФ-МУХИТГА ҲАМДА ИНСОНИАТГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

Бутабоев И.Х.<sup>1</sup>[0009-0009-6804-6439], Олжайев Д.Н.<sup>2</sup>[0009-0009-9590-8268],  
Ғаниев Қ.Х.<sup>3</sup>[0009-0008-6139-2649], Уринова Х.Ш.<sup>4</sup>[0009-0009-7716-3100],  
Фармонова М.А.<sup>5</sup>[0009-0005-3994-6607], Шавкидинова Н.М.<sup>6</sup>[0009-0006-4793-825X]

<sup>1</sup>Ўзбекистон республикаси фавқуллодда вазиятлар вазирлиги фуқаро муҳофазаси институти магистри,

<sup>2</sup>Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети доценти, т.ф.ф.д. (PhD),

<sup>3</sup>"НКМК" АЖ "1-ГМЗ" кон бошқармаси бош энергетиги,

<sup>4</sup>Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети доценти, т.ф.ф.д. (PhD),

<sup>5</sup>Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети ассистенти,

<sup>6</sup>Тошкент фарматсевтика институти талабаси

**Аннотация.** Иқлим ўзгариши табиат ва инсоният учун XXI асрдаги энг катта таҳдид ҳисобланиб, бу глобал экологик муаммо бутун сайёра бўйлаб хавф солмоқда. Иқлим ўзгариши қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш хавфларини оширади ва бу ҳосилдорликнинг пасайиб кетиши, зараркунандалар ва касалликларнинг кенг миқёсда тарқалиши, чўлланишининг ошиши, нафақат қишлоқ хўжалиги, балки аҳоли турмушининг асосий таркибий қисми бўлган тупроқ, сув ва ҳаво сифатининг пасайиб кетишига олиб келади.

**Калит сўзлар:** иқлим ўзгариши, атроф-муҳит, чиқиндилар, чўлланиш, қишлоқ хўжалиги, тупроқ, сув ва ҳаво, бўронлар, сув тошқинлари, иссиқхона газлари.

**Аннотация.** Изменение климата считается величайшей угрозой природе и человечеству в веке, и эта глобальная экологическая проблема угрожает всей планете. Изменение климата и деградация окружающей среды являются основными угрозами будущему устойчивому развитию страны. Изменение климата увеличивает риски сельскохозяйственного производства, а это приводит к снижению урожайности, масштабному распространению вредителей и болезней, росту опустынивания, снижению качества почвы, воды и воздуха, которые являются основными составляющие не только сельского хозяйства, но и жизнедеятельности людей.

**Ключевые слова:** изменение климата, окружающая среда, отходы, опустынивание, сельское хозяйство, почва, вода и воздух, ураганы, наводнения, парниковые газы.

**Annotation.** Climate change is considered the greatest threat to nature and humanity in the century, and this global environmental problem threatens the entire planet. Climate change and environmental degradation are the main threats to the country's future sustainable development. Climate change increases the risks of agricultural production, and this leads to a decrease in yields, a large-scale spread of pests and diseases, an increase in desertification, and a decrease in the quality of soil, water and air, which are the main components not only of agriculture, but also of human life.

**Key words:** climate change, environment, waste, desertification, agriculture, soil, water and air, hurricanes, floods, greenhouse gases.


## Кириш

Бугунги кунга келиб Ер шарининг турли нуқталарида иқлим ўзгаришининг таъсирлари кўриниб қолмоқда - эриётган музликлар-у кўтарилаётган денгиз сатҳи, кучли бўронлар, сув тошқинлари-ю шимолдаги қорларнинг камайиб кетиши ва жанубдаги қурғоқчиликни бунга мисол қилиш мумкин. Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи (ИЎХЭГ) вакилларининг таъкидлашича, табиатнинг экотизими энг кўп заҳмат етаётган бўлса-да, у одамларга ҳам таъсир ўтказмай қолмайди. Атмосфера ҳароратининг кўтарилиши инсонлар саломатлигига хавф туғдиради, шунингдек, қишлоқ хўжалигига зиён етказди ва сайёрамизнинг кўплаб

худудларидаги яшаш шароитларига салбий таъсир қилади. Глобал исиб кетиш худудий иқлим тартибларини сезиларли даражада ўзгартириши ва экотизим ҳамда инсонларга ноқулай таъсир ўтказиши мумкин, чунки ҳозирги кунда кузатилаётган иқлим ўзгаришлари жараёнларига улар табиий тарзда мослаша олмайдилар.

### Услужият ва усуллар

БМТнинг Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси (БМТ ИЎТҲҚ) (2021-йилги) доирасида Ўзбекистоннинг биринчи икки йиллик оралиқ ҳисоботига кўра, 2017-йилда Ўзбекистоннинг умумий иссиқхона газлари эмиссияси 189 миллион тонна CO<sub>2</sub> эквивалентини ташкил қилди (1-расм). Иссиқхона газлари эмиссиясининг 76-80 фоизига энергетика сектори, шу жумладан 50 фоизи қазиб олинган ёқилғи ва 26-30 фоизи кўмир, нефт ва газ секторидаги метан сизиб чиқиши сабабчидир. Охириги 10 йил ичида энергетика соҳасидаги эмиссиялар камайиб бормоқда. Аксинча, қишлоқ хўжалигида иссиқхона газлари эмиссияси чорва молларининг кўпайиши ҳисобига ўсиб бормоқда ва умумий ҳажмининг 18 фоизини ташкил қилади. Саноат жараёнлари умумий эмиссиянинг 5 фоизини ташкил қилади. Чиқиндиларни тартибга солиш натижасида эмиссия атиги 1 фоизни ташкил қилади, лекин бу эмиссия тез суръатлар билан ўсиб бормоқда.



1-расм. Тармоқлар кесимида иссиқхона газлари эмиссияси, млн т. CO<sub>2</sub>-эқв.

2060-йилга келиб атмосфера ҳавосидан карбонат ангидрид газини ҳамда заҳарли газлари чиқиндиларининг қарийб 80 фоизга камайтириш режалаштирмоқда Энергия ишлаб чиқариш қувватини ошириш, энергия тежаш ва қайта тикланувчи энергия ресурсларини кенгайтириш мамлакат энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

### Натижалар

Шунингдек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йилда 217 млн туп кўчат экилган. Атроф-муҳитга ҳолатига ёмон ҳолатга олиб келувчи 189 та ишлаб чиқариш саноат корхоналари атрофида 1 млн 730 минг туп кўчат экилиб “яшил белбоғ”лар, шунингдек, 196 та чиқинди ташлаш полигонлари атрофида 135 минг туп дарахтлар экилиб ихота дарахтзорлар барпо қилинган. Худудлар иқлимига мос, кам сув талаб этадиган 650 гектар майдонда кўчатхоналар ташкил этилган. Кўчатларни сув билан таъминлаш мақсадида 893 та қудуқ қазилиб, 1058,7 км узунликда суғориш тизимлари ўрнатилган. Таъкидланганидек, амалга оширилган ишлар билан соҳада айрим муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Жумладан,


• Атмосферага ташланаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорини камайтириш ишлари етарли даражада олиб борилмагани натижасида ташламалар миқдори ҳозирда қарийб 2,2 млн тоннага етган.

• Корхоналардаги мавжуд 6 мингдан ортиқ чанг-газ тозалаш ускуналарининг 60 фоизи тозалаш самарадорлиги ўртача 86,5 фоизни ташкил этмоқда.

• Суғориш тизимлари мавжуд бўлмаган ҳудудларга 7,3 млн туп кўчат экилганлиги, дарахтларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаганлиги танқид остига олинди .

• Дарахтларнинг электрон жойлашиш ҳолатини яратиш, яшил маконларни кўпайтириш ҳолати бўйича сезиларли ишлар олиб борилмоқда, рухсат этилган талабларига риоя қилмаган қурилиш ташкилотларининг “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимидаги сонини камайтириш бўйича тегишли ишларни ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Автомобилларни экологик тоза ёқилғи манбаларига ўтказиш, электромобил автомобилларни кўпайтириш, мусоффо ҳавонинг самарадорлигини ошириш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқилди.

• Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2022-йил ижроси тўғрисидаги маълумотлар асосида иқлим ўзгариши билан боғлиқ харажатларни белгилаш амалга оширилди. Давлат бюджети жами харажатларининг 30016,3 млрд сўм ёки 13 фоизи иқлим ўзгаришига боғлиқ деб баҳоланди, қолгани таъсир қилмайдиган харажатлар сирасига киритилган, яъни харажатлар иқлим ўзгаришига таъсир кўрсатмайди ёки боғлиқлигини аниқлаш имконияти йўқ. Иқлим ўзгаришига қарши курашиш харажатларнинг асосий қисмини иқлимга ижобий таъсир кўрсатувчи харажатлар ташкил этди.



2-расм. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ давлат бюджети харажатлари.

Иқлим ўзгаришига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган харажатларнинг асосий қисми (96,4%) мослашиш хусусиятидаги харажатлар ҳиссасига тўғри келади. Кучли шамоллар чанг-тўзонларнинг ҳавога кўтарилишига ва тарқалишига олиб келади. 2021-йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида илк бор аномал табиат ҳодисаси – чанг-қум тўзонлари таъсири кузатилди, кўриш 100-200 метргача ёмонлашди. Ўзбекистоннинг тоғли ва тоғ олди ҳудудлари сел хавфли зоналари ҳисобланади.

Ўтган ўн йилда республика бўйича 657 та сел ва сув тошқинлари кузатилган: 2018 йилда – 75, 2019 йилда – 132, 2020 йилда – 119, 2021 йилда – 134; жорий йилда – 70 дан ортиқ (3-расм).

Республика ҳудудининг 12 фоизида сел ва сув тошқинлари хавфи остида бўлган 29 та асосий дарё ҳавзалари мавжуд бўлиб, улар асосан Наманган, Фарғона, Сурхондарё, Тошкент, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида жойлашган. Сел оқимларининг асосий сабаби кучли ёмғир (дўл) бўлиб, бунинг натижасида дарёлар ва



сойларда сув сатҳи кўтарилади, ҳудудларда сув тошқинларининг интенсивлиги кучаяди.



**3-расм. Сўнги йилларда республикада иқлим ўзгариши натижасида вужудга келаётган сел ва сув тошқинлари.**

### Хуласа

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Марказий Осиё минтақасидаги иқлим ўзгариши бўйича олий ва юқори даражали халқаро тадбирлар, учрашувлар кун тартибига иқлим ўзгариши масалаларини мунтазам киритиб бориш зарур. Шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан “яшил технологиялар” асосида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари ва тадбиркорлар реестрини шакллантириш ҳамда улар сонининг ортиб боришини рағбатлантириш керак.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2915-сон Қарори (2017 йил).
- [2]. Ўзбекистон Республикасининг "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Қонуни (2000 й).
- [3]. Ўзбекистон Республикасининг "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонуни (2002 йил).
- [4]. Ў.А. Набиев "Иқлим ўзгариши, унинг таъсирини тушуниш ва хавфли оқибатларини баҳолаш, ўзбекистонда иқлим ўзгаришига мослашиш чора-тадбирлари ва қўллаш чоралари, хорижий тажриба", Тошкент-2018. 7-бет.
- [5]. Яковлева О.И., Ткаченко Н.И. Очистка сточных вод. –М.: Лесная промышл., 1975.-49с.
- [6]. Иванов И.А., Черноусов Ю.И., Пилякин В.Н. Органические вещества сточных вод сульфатцеллюлозного производства. 1. Жирные и смоляные кислоты // Химия древесины. -1975,-№ 2-С.85-95.
- [7]. Черноусов Ю.И., Иванов И.А., Пилякин В.Н. Органические вещества сточных вод сульфатно-целлюлозного производства. Ш. Фенолы // Химия древесины. - 1975. -№2 -С. 105-III.